*Бугун кимни учратманг, мустақиллик ҳақида гапиради. Уларнинг аксарияти бундан фахрланиб сўзласа, айримлар ўтиш даври қийинчиликларидан нолишади. Лекин истиқлол бир неча тоифага бўлинишини ҳамма ҳам англаб етавермайди. Унинг илк белгиси — сиёсий мустақилликдир. Бу жиҳатдан бизнинг кўнглимиз тўқ. Қарамликдан қутулдик, давлатимизни жаҳон мамлакатлари тан олди. Она-Ўзбекистонимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Мустақилликнинг яна бир белгиси — назаримда энг асосийси — бу иқтисодий мустақилликдир. Хўш, иқтисодий эркинлик нималарда намоён бўлади? Қандай мамлакатни тўла иқтисодий мустақил мамлакат дейиш мумкин? Ушбу мақоламизда юқоридаги саволларга баҳоли қудрат жавоб беришга ҳаракат қиламиз.*

# МУСТАҚИЛЛИК ҒОЙИБДАН КЕЛМАС!

## Ёхуд бу олий тушунчани турлича талқин қилаётганларга мутахассис нуқтаи назаридан жавоб

Ҳозирги кунда жаҳонда сиёсий жиҳатдан мустақил ҳисобланган 200 дан ортиқ катта-кичик давлат мавжуд. Шулардан қанчаси иқтисодий мустақилликни қўлга киритган-у, қанчаси бунга эриша олмаганлиги ҳақидаги фикр кўпчиликни қизиқтиради, албатта. Тўғрисини айтганда, мутлақо иқтисодий мустақил, яъни бошқа ҳеч бир мамлакат билан иқтисодий алоқа қилмасдан, халқ хўжалиги ўз ҳолича яшай оладиган давлатнинг ўзи йўқ. Ва бундай ҳолат иқтисодий самарадорлик нуқтаи назаридан ҳам ижобий ҳодиса саналмайди. Шундай бўлса-да, «иқтисодий мустақиллик» деган атама мавжудки, у жаҳон ҳамжамиятида давлатларнинг ўрнини, нуфузини аниқлашда ўта муҳим аҳамият касб этади. Лекин дунёдаги сиёсий мустақил давлатларнинг ярмидан кўпроғи ҳозирга қадар ўз иқтисодий мустақиллигини таъминлай олмаётганлиги сир эмас. Бундай мамлакатни эса том маънодаги мустақил давлатлар қаторига қўшиб бўлмайди.

«Аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган ақида бежиз айтилмаган. Фикримиз янада ойдинроқ бўлиши учун кичик бир мисолга мурожаат қилайлик. Барча сиёсий ҳуқуқларга эришган, лекин оч, яланғоч ва ўзини-ўзи боқа олишга иқтисодий имконияти бўлмаган алоҳида бир шахснинг эркинлигини тасаввур қилиб кўринг-а? Бундан у хурсандмикан? Унинг бутун фикри-ёди қорнини тўйдириш-у, устини бутлаш ташвиши билан банд бўлса, бундай мустақилликнинг нима кераги бор? Демак, сиёсий ва иқтисодий мустақиллик бирга келсагина давлатнинг ҳақиқий истиқлолини таъминлаш мумкин.

Юртбошимиз: «Ҳозирги даврда сиёсий мустақил Ўзбекистон олдида турган энг муҳим вазифалардан бири иқтисодий мустақилликни таъминлашдан иборатдир», деб бекорга қайта-қайта таъкидлаётганлари йўқ. Бу умумдавлат ва умуммиллий аҳамиятга молик вазифани ҳал этмасдан туриб, халқимиз учун муносиб юқори турмуш даражасини яратиш муаммо бўлиб қолаверади.

Алоҳида давлатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақилликка эришганлигини қандай аниқлаш мумкин? Назариётчи олимлар иқтисодий мустақилликнинг мезонлари сифатида давлат миллий мулкка эга бўлиши, миллий манфаатларга мос келадиган ишлаб чиқариш тизимининг мавжудлиги, ишлаб чиқариш натижаларидан халқнинг қанчалик баҳрамандлиги, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг мустақил субъектига айланиши каби қатор белгиларни кўрсатишади. Биз бу назарий омилларни инкор этмаган ҳолда, иқтисодий мустақилликни ифодаловчи бошқа муҳим амалий белгилар хусусида ҳам мулоҳаза юритишни лозим топдик.

Иқтисодий мустақил мамлакат, энг аввало, ўз олдида турган вазифаларни бажариши учун зарур иқтисодий имкониятларга эга бўлиши керак. Яъни бу давлатда ўз ҳаражатларини ўз ҳолича таъминлай оладиган даромад манбалари мавжуд бўлмоғи шарт. Бошқача айтганда, давлат бюджети ҳеч қандай ташқи ёрдамсиз, биринчи галда ўзининг ички имкониятлари ҳисобига барпо этилиши зарур.

Давлатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил эканлигини белгиловчи яна бир омил ушбу мамлакатнинг мустақил иқтисодий сиёсат юрита олиш имконияти бор ёки йўқлигига қараб ҳам аниқланади. Бу ўринда мутлақо ҳеч ким билан ҳисоблашмайдиган, «ўзбилармонлик» асосига қурилган иқтисодий сиёсат тўғрисида фикр юритаётганимиз йўқ. Гап жаҳоннинг энг илғор мамлакатлари ютуқлари ёки умумдавлат манфаатлари уйғунлиги негизига қурилган алоҳида давлат, халқаро иқтисодий ташкилот ва айрим гуруҳлар таъсири остига тушиб қолмаган иқтисодий сиёсат ҳақида кетмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, бугун мустақил Ўзбекистон амалда юқорида қайд этилган белгиларнинг барчаси мавжуд давлатта аллақачон айланиб бўлган. Буни эндиликда наинки халқаро ҳамжамият, балки айрим нохолис «дўстларимиз» ҳам тан олишмоқда.

Иқтисодий мустақилликнинг яна бир ўзига хос муҳим омили борки, бу ҳақда гапирмасдан туриб, масаланинг моҳиятига етиб бўлмайди. Агар мамлакатда унинг иқтисодиёти ва истеъмол бозорининг асосини ташкил этадиган тармоқлар, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика, машинасозлик, кимё, металлургия, озиқ-овқат ва бошқа энг зарур кундалик эхтиёж моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар етарли даражада ривожланмаса, иқтисодий мустақилликни таъминлашдек мураккаб муаммони ҳал қилиш қийин. Тўғри, айрим давлатларда масалани шу тарзда ечиш учун зарур шарт-шароитлар бўлмаганлиги ёки бошқа сабаблар туфайли улар бошқа йўлларни танлашган. Масалан, кўмир, нефть, газ каби табиий қазилма бойликларига ёки озиқ-овқат етиштириладиган етарли экин майдонларига эга бўлмаган Япония ўзи учун энг мақбул бир неча соҳани устун даражада ривожлантириш ва ортиқча маҳсулотни жаҳон бозорида сотишдан тушадиган даромад ҳисобига четдан хомашё ва озиқ-овқат олиб келиш билан халқ эҳтиёжини қондириш йўлини танлаган. Лекин бугун Япониянинг иқтисодиёти ҳар қанча ривожланган, бақувват бўлмасин, турли сабабларга кўра, жаҳон бозорида нефть ёки доннинг баҳоси кескин ошиши унинг хўжалигига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Қолаверса, хомашё ва озиқ-овқатни четдан оладиган мамлакатлар бу маҳсулотлар таъминотида узилиш ҳам рўй бериши мумкинлигини ҳамиша ёдда тутишлари лозим бўлади.

Парвардигор бизга тўла мустақил равишда, айрим давлатларнинг қош-қовоғига қарамасдан, юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитларни инъом этган. Заминимиз табиий қазилма конларига бой, еримиз ҳосилдор, осмонимиз серқуёш ва энг асосийси — халқимиз меҳнаткашдир. Демак, иқтисодий мустақил бўлишимиз учун барча омиллар мамлакатимизда мавжуд.

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос мустақил иқтисодий сиёсати ўз мевасини бера бошлади. Мамлакат ташқи савдо ҳолатини таҳлил қилиш асосида иқтисодиётнинг ривожланиш ва мустақиллик даражаси ҳақида етарли маълумот олиш мумкин. Масалан, 1994 йилнинг якунига кўра биз жаҳоннинг барча давлатлари билан ўзаро маҳсулот айирбошлаш жараёнида биринчи марта ижобий қолдиққа эришдик. Агар ташқи савдо-сальдоси (қолдиғи) деб аталадиган кўрсаткич, яъни четга сотилган (экспорт) ҳамда хорижлан келтирилган (импорт) маҳсулотлар умумий қийматларининг фарқи солиштирилса, бу ўз -ўзидан аён бўлади. Бироқ, фикри ожизимча, узоқ йиллик мустамлака асоратидан қутулган ҳар қандай давлат учун фавқулодда ижобий ва муҳим ҳодиса ҳисобланадиган ана шу воқеанинг моҳиятию кўламини, давлатнинг шаклланиш тарихида тутган аҳамиятини ҳали кўпчилигимиз тушуниб етмадик. Ҳатто шу соҳанинг раҳбарлари, мутахассислар ва иқтисодчи олимларимиз ҳам шу кунга қадар ушбу муваффақият ҳақида на республика матбуотида, на радио ёки телевидениеда жиддийроқ чиқиш қилишгани йўқ. Ҳолбуки, Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида юртбошимиз бу масала ҳусусида атрофлича тўхталиб ўтган эди.

Собиқ СССР даврида бизни асоссиз равишда боқимандаликда айблаб келишди: гўёки биз ўзимизни-ўзимиз боқишга қодир эмасмиз, фақатгина Москва берадиган ёрдам ҳисобига яшаймиз. Ўша пайтдаги расмий маълумотларнинг шаҳодат беришича (агар улар рост бўлса), Ўзбекистоннинг ҳорижга берадиган маҳсулоти юртимизга четдан келадиган маҳсулотлар ҳажмидан кам эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида, объектив сабабларга кўра, ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Лекин 1994 йилда биз бу муаммони бартараф этиб, дастлабки довондан ошдик...

Келинг, аниқ рақамларга мурожаат қилайлик. Ўтган йили чет давлатлар билан экспорт-импорт алоқаларимиз бўйича 146,2 миллион долларлик ижобий сальдога эришдик. Яъни Ўзбекистонга хорижликлар сотганига нисбатан Ўзбекистон уларга шунча миқдордаги маҳсулотни кўп сотди. Натижада ташқи савдодан 146,2 миллион долларлик қўшимча даромад олдик. Ва бу бизга мамлакат иқтисодий-ижтимоий соҳаларни маблағ билан таъминлашда янги ҳамда кучли манба бўлиб хизмат қилади.

Республикамизда яқин хорижий давлатлар билан савдо-сотиқни йўлга қўйиш борасида янада кўпроқ, яъни 267,03 миллион долларлик ижобий қолдиққа эришилди. Лекин узоқ чет мамлакатлар билан экспорт-импорт операцияларида эса бу кўрсаткич уларнинг фойдасига 120,83 миллион доллар ҳажмида якунланди.

Ташқи савдо таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодий мустақилликнинг энг муҳим асосларидан бири — экспорт-импорт жараёнида арзигулик натижаларга эришганимизга қарамасдан, бу соҳада ҳали етарли муаммоларимиз бор. Масалан, бултур экспорт таркибида тайёр маҳсулот ҳажми ошган бўлсада, четта хомашё, айниқса, пахта толаси сотиш салмоғи катталигича қолди. Ёки бўлмаса, шу кунга қадар хориждан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг катта қисмини: буғдой, гўшт, сут, шакар ва сариёғни Ўзбекистон шароитида нафақат етиштириш, балки бу йўналишда халқимиз талабини тўла қондириш имконияти мавжуд. Шунинг учун ғалла мустақиллигига эришиш мақсадида юртбошимизнинг кўрсатмалари билан жорий йилда дон экишга жуда катта майдон ажратилди. Яқин йиллар ичида эса бошқа соҳаларда ҳам худди шундай ижобий ислоҳотлар амалга оширилади.

Ташқи савдо давлатнинг иқтисодий аҳволи ҳақида кенг тасаввур берса-да, бу жараённинг ҳамма қирраларини тўла ифода эта олмайди. У мамлакат тўлов балансининг энг муҳим қисмларидан бири бўлиб, тўлов балансига ташқи савдо балансидан ташқари давлатларнинг бир-бирларига кўрсатган хизматлари, носавдо операциялари, кредитлар бўйича фоиз суммалари, инвестиция кабилар киради.

Объектив сабабларга кўра, биринчи галда мамлакатимизнинг мустақиллик шароитида ҳали жуда қисқа муддат яшаётганлиги туфайли тўлов баланси бўйича ижобий сальдога эриша олмадик. Аслида бу энг ривожланган давлатларнинг ҳаммасига ҳам насиб этавермайди. Ҳозирги кунда юртимизда тўлов балансимиз ҳам актив бўлишига зарур иқтисодий асос яратилмоқда.

Мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, унинг улкан иқтисодий имкониятлари энг қудратли ва ривожланган давлатлар эътиборини тортмоқда. Қаранг, бор-йўғи бир неча кун ичида юртимизга икки катта давлат — Индонезия Республикаси ва ГФР Президентлари, «Сименс»дек улкан фирма раҳбарлари келиб кетишди. Уларнинг юртимизга сафарлари давомида бир қатор иқтисодий битимлар тузилдики, булар мамлакатларимиз ривожида муҳим аҳамият касб этади. Қисқаси, бугун Ўзбекистон билан фаол иқтисодий муносабатлар ўрнатишга интилаётган давлатлар сони кескин кўпайиб, 60 тадан ошиб кетди.

Табиий савол туғилиши мумкин: иқтисодий мустақилликни таъминлаш борасида ҳукумат ўтказаётган тадбирлар билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудида фаолият кўрсатаётган — мулк шаклидан қатъи назар — барча корхоналар ва хусусий тадбиркорлар ана шу муаммони ҳал этиш ишига қанчалик ҳисса қўшмоқдалар? Бизнингча, ҳозирча бунга ижобий жавоб беришнинг иложи йўқ.

Буни қарангки, йил давомида яхши ишламаган қайси фирма, кичик ва қўшма корхона, завод ёки фабрикани олиб кўрсангиз, аксарияти муваффақиятсизликлар сабабини четдан қидиришади. «Эндиликда мустақил давлат ҳисобланадиган минтақадаги шериклар хомашёни вақтида етказиб бермади», «Бошқа жойдан зарур хомашё ёки технология олиш учун вазирлик ёки ҳукумат чет эл валютаси бермади» қабилидаги баҳоналар, айниқса, кўп учрайди.

Ҳақиқатан ҳам бундай сабаблар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Лекин айрим тўсиқлар, камчиликлар, етишмовчиликлар аввал ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Буларсиз ҳатто ҳаётнинг ўзини тасаввур этиш мушкул. Айни пайтда масаланинг бошқа томони ҳам борки, уни кун тартибига қўйишнинг фурсати аллақачон етди, назаримизда.

Узоқ йиллар мобайнида ўнлаб, юзлаб ташкилотлар билан шерикликда ишлаган, бугунги кунда эса бир қатор объектив ҳамда субъектив сабабларга кўра, эски ҳамкорлар ўртасида узилиб қолган хўжалик муносабатларини тўла тиклай олмаётган ёки янгиларини топа олмаётган корхоналар токайгача юқоридан ёрдам кутади? Ахир, давлат томонидан мулкнинг ҳамма шакли учун мутлақо бир хил имкониятлар яратиб берилгани ва ишбилармонлик йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланаётганлиги юқорининг мадади эмасми? Ана шундай шароитда ҳам қайсидир корхона ўз кунини ўзи кўролмаса, жамоасига керакли имкониятларни ярата олмаса, ким айбдор? Давлатми ёки ўша корхонанинг нўноқ раҳбарлари? Бизнингча, уч-тўрт йил мобайнида янгича шароитда ишлашга мослаша олмаётган, ҳаридоргир маҳсулот ишлаб чиқариш қўлидан келмаётган бундай корхоналарнинг керак ёки нокераклиги ҳақида жиддий ўйлаб кўрадиган пайт келди.

Собиқ СССРнинг парчаланиши ва янги давлатчилик тузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ объектив қийинчиликларни тўғри англаб, ўтиш даврининг оғир шароитида ўз ўрнини топаётган тармоқ, соҳа ва корхоналарнинг ҳам сафи кун сайин кенгайиб бормоқдаки, бу билан ҳар қанча мақтансак арзийди. Масалан, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасига қарашли Андижон, Бухоро ва Тошкент тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмаларининг бу борада амалга ошираётган тадбирларини олиб кўрайлик. Собиқ Иттифоқ даврида уларнинг маҳсулоти сифатини белгилайдиган жиҳозлар, асбоб-ускуналар, мосламалар, бўёқ ва бошқа зарур моддаларнинг аксарияти бошқа республикалардан келтирилар эди. Эски ҳамкорлар билан хўжалик алоқалари узилгач, мазкур корхоналарнинг раҳбариятлари ўзларининг имкониятлари доирасида хорижга сотиш мумкин бўлган маҳсулотларни тайёрлаш йўлини қидиришди ва бунга эришдилар ҳам. Тўғри, ташқи ёрдамсиз бирданига тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мураккаб вазифа эди. Шу боис улар ярим тайёр маҳсулотлар: пахта толасидан хом бўз ва ип калаваси тайёрлаб, уларни (бир килограмм ип калавасини 3,4-3,6 АҚШ долларига) хорижга сота бошлашди. Шунинг эвазига жамғарилган дастлабки сармояга эса Швейцария, Германия, Италия каби давлатлардан пахтани тўлиғича қайта ишлайдиган ва жаҳон андозаларига мос тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган жиҳоз ҳамда асбоб-ускуналар сотиб олиш имконияти яратилди. Бу ниятлар амалга ошгач, дунё бозорида уларнинг маҳсулотлари нархи бир неча баробар юқори бўлиши шубҳасиздир.

Юқорида жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида сўз юритдик. Президентимиз таъбири билан айтганда, четга рақобатбардош маҳсулот экспорт қилиш имкониятини ярата олмаган корхонанинг келажаги йўқ. У бозор иқтисодиётининг шафқатсиз рақобат курашига дош беролмайди. Тўғри, бизда айни дамлардаги вақтинчалик етишмовчиликлардан фойдаланиб, сифатсиз ва шу туфайли арзон, ортиқча ақл, тажриба ва билим талаб қилмайдиган оддий маҳсулот тайёрлаш йўлига ўтиб олган корхоналар ҳам бор. Уларнинг айримлари тузуккина даромад ҳам қилишмоқда. Лекин бу — омонат ютуқ, истиқболсиз маҳсулот эканлигини унутмайлик. Эртага эса кеч бўлади.

Шу билан бирга, афсуски, ишлаб чиқариш қуввати кундан-кунга тушиб бораётган тармоқлар ҳам мавжуд. Барча корхоналар ва ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ўз қадрларини қанчалик адл ростласалар, давлатимиз ҳам иқтисодий мустақилликка шунчалик тез эришади. Негаки, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги унда мавжуд ҳар бир корхона, ҳар бир хонадон ва қолаверса, ҳар бир шахснинг иқтисодий мустақиллигидан бошланади. Бошқача айтганда, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий мустақиллиги шу мамлакатдаги барча корхона ва фуқаролар иқтисодий мустақилликларининг йиғиндисидир.

Ушбу мулоҳазаларимиз билан танишган газетхонлар: «Ойига 800-1000 сўм атрофида маош олаётган, баъзи сабабларга кўра айрим жойларда иш ҳақини вақтида ололмаётган хизматчилар ва ишчилар ўз оилаларининг иқтисодий мустақиллигини қандай таъминлайдилар?» — деб сўрашлари мумкин. Очиғи, ҳозирча бизда мавжуд ўртача иш ҳақи фаровон турмуш кечиришимизга етмайди. Лекин шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керакки, бу айни даврдаги ўртача меҳнат унумдорлиги ва ишимизнинг сифат даражасига мос келади. Вақт ўтиб, меҳнат унумдорлиги ошган сайин, унга мос равишда иш ҳақи ҳам орта боради. Ва илғор мамлакатлардаги ишчи-хизматчилардек меҳнат қила бошлаган вақтимизда эса, ана шу кўрсаткич ўша давлатлардаги даражага етади.

Халқимиз ишлаб топаётган қўшимча ҳар бир сўм бугун буюк келажакнинг иқтисодий асосини яратишга сарфланганини ҳаммамиз учун фойдали эмасми? Шунинг учун энди ҳалол ишлашимиз, борини баҳам кўришимиз, ўша давр қийинчиликларини елкама-елка туриб енгишимиз зарур.

Гап айланиб яна оила мустақиллигига бориб тақалмоқда. Зеро, шоир айтганидек, «Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал». Хонадонида болачақаси тўқ бўлмаган хизматчи ҳеч қачон корхонада тўлиқ қувват билан ишлай олмайди. Хаёли, барибир, уларда бўлаверади. Бу ҳақиқатни аввалдан кўра-билган ҳукуматимиз бизга барча имкониятларни яратиб берди. Гап энди шу имкониятлардан оқилона фойдаланишда, бозор шароитида билим ва тажрибани унумли ишлата билиш, боқимандалик кайфиятидан воз кечиш, бўш вақтларда ҳам бирор иш билан машғул бўлиб, оиланинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашда қолган. Ушбу юмушларни ҳаммамиз, ҳар биримиз уддалай оламиз. Фақат ақл, билим ва шижоатимизни ишга солиш талаб этилади. Қолаверса, бу қийинчиликлар мураккаб ўтиш даврига хос бўлган вақтинчалик бир ҳолдир.

Мустақил Ўзбекистонимиз, таъбир жоиз бўлса, мурғак гўдакка ўхшайди. У ҳали қад ростлаши, оёғида тик туриши керак. Бунинг учун эса унга муайян вақт зарур. Муҳими — порлоқ келажакни тезроқ таъминлаш сизу бизга, ҳаммамизнинг саъй-ҳаракатимизга боғлиқ. Бугун қанчалик кўп ва ҳалол ишласак, эртамиз шунчалик ёрқин, фаровон ва осойишта бўлади. Инкор этиб бўлмайдиган бу ҳақиқатни ҳар биримиз ёдимизда тутмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарздир. Зеро, улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом айтганидек, «Ғойибдан келажак бахт бир афсона!».

**Одилжон ОЛИМЖОНОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**




*Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги нишонланадиган кун ҳам тобора яқинлашмоқда. Барча жойлардаги сингари Данғара туманидаги Охунбобоев ширкатлар уюшмасида ҳам катта ҳозирлик ишлари олиб борилмоқда. Уруш фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Озодлигимиз йўлида қон кечган, она юртига омон-эсон қайтиш насиб этган табаррук отахонлар меҳнаткашлар ҳузурида, мактабларда бўлишиб, учрашувлар ўтказишмоқда.*

*СУРАТДА: Данғара туманидаги Охунбобоев ширкатлар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Рафиқжон Қурбонов уруш фахрийларидан Астонақул Хўжамбердиев, Мирдвали Мирзақулов ва Қодирали Очилдиевлар билан суҳбатда.*

*Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.*

*• Акс-садо*

# БИЗГА ҲЕЧ КИМ ТЎҒАНОҚ БЎЛОЛМАЙДИ

*Биз уруш ва меҳнат фахрийлари халқимиз билан бирга улуғ Ватанга мансубликдан, тарихий воқеаларга даҳлдорликдан беқиёс фахру ифтихор туйғуларини ҳис этамиз. Мамлакатимизда юртбошимиз раҳбарлигида эл-юрт бахт-саодати йўлида амалга оширилаётган улуғвор ишларни кўриб, кўнглимиз тоғдек кўтарилади.*

Лекин бир гуруҳ нопок, гумроҳ кимсаларнинг мунофиқликлари, хиёнаткорона қилмишлари бизни беҳад ранжитади. Давлатга қарши фитна уюштиришда иштирок этганликда айбланган кимсалар устидан республика Олий судида кўриб чиқилган жиноят иши тафсилотлари билан «Халқ сўзи» газетаси орқали яқиндан танишиб чиққач, осойишталигимиз ва бағри бутунлигимизга рахна солмоқчи бўлган «кўланка»ларга қарши юракларимизда чексиз ғазаб ва нафрат уйғонди.

Ахир ўзининг буюк тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган, куч-қудрати муттасил ўсиб бораётган бутун жаҳон халқларининг меҳр-ҳурматини қозонаётган мамлакатимизнинг камолу шавкатини фақат ақл-идрокдан маҳрум, қалбида эзгулик ва яхшиликдан асар топилмайдиган кимсаларгина кўролмасликлари мумкин. Агар бундайлар ўз мамлакатимизга мансуб бўлса, уларни нонкўрлар, оқпадарлар дейишга минг карра ҳақлимиз.

Ватаннинг тузини ичиб, тузлиғига тупурган С. Мадаминовнинг хиёнаткорона қилмишларини кечирган бўламиз.

Улуғ юртга, ўз Президенти атрофида мустаҳкам жипслашган, якдил халқнинг ҳақ йўлига ҳеч ким тўғаноқ бўлолмайди.

**О. ХУДОЙБЕРГАНОВА,**
**Уруш ва меҳнат фахрийлари Хоразм вилоят кенгаши раиси.**
**Э. ИСКАНДАРОВ,**
**«Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вилоят кенгаши раиси.**

# «НАВРЎЗ» ДЕБ АТАЛДИ

Сирдарё вилоятидаги нурчилар маскани — Ширин шаҳри ҳам кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Энергетика техникуми ёнидаги икки гектар ер илгари шаҳар ҳуснига соя ташлаб турган бўлса, бу йил ўша жойлар техникум жамоаси томонидан тартибга келтирилиб, ажойиб боққа айлантирилди. Талабалар ўзлари учун ажратилган ҳудудга яхши ишлов бериб, турли хил мевали кўчатлар ўтказишди. «Наврўз» номини олган мазкур боққа талабалар ўқишни тамомлаганларидан сўнг ҳам ҳар йили баҳорда келиб туришга аҳд қилишган.

**Ўктам ДЎСТЁР.**

*• Ҳуқуқий чорраҳа*

# ТОКИ ЖИНОЯТ СОДИР БЎЛАЁТГАН ЭКАН, БИЗ ЯНАДА ҲУШЁРРОҚ ТУРИШИМИЗ ДАРКОР

*Маълумки, республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, ўз тараққиёт йўлини белгилаб, инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлида дадил одимлар ташламоқда. Бироқ, фақат шахсий манфаатини кўзлаган баъзи кимсалар халқ ва давлат мулкини талон-торож қилиб, унга катта миқдорда зиён етказаяпти, аммо республикамизда жиноятчиликка қарши катта ишлар олиб борилаётганини нафақат бизда, ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистонда йўловчи, юк ташиш, темир йўл ва ҳаво транспортлари ҳавфсизлигини таъминлаш, транспорт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш бўйича қандай ишлар олиб борилаётганини билиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси тарнспорт прокуратураси прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Б. С. Бухоровга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.*

**— Баҳодир Саидович, дастлаб ўзингиз раҳбарлик қилаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи муассаса ҳақида муштарийларга қисқача изоҳ берсангиз. Чунки Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ушбу соҳада ҳам талай ўзгаришлар юз берди.**

— Ўзбекистон транспорт прокуратураси 1992 йилнинг 2 январь куни Ўрта Осиё транспорт прокуратураси базасида ташкил топган эди. Биз ишни дастлаб жамоамизда ташкилий масалаларни ҳал этишдан бошладик. Прокуратура ходимларининг маъсулияти, касб маҳорати ва иш юритиш маданиятини ошириш, фаолият услуби ва шаклида расмиятчиликка чек қўйиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирларни ишлаб чиқдик. Тасдиқланган жадвалга асосан аттестация комиссиялари ташкил этилди. Жумладан, 1992 ва 1994 йиллар давомида 46 нафар прокурор ҳамда тергов ходимлари аттестациядан ўтказилди. Ходимларнинг малака савиясини ошириш ва ёш прокурорларга иш ўргатиш мақсадларида ўқув машғулотлари уюштирдик. Қуйи бўғин прокурорлари иш фаолиятини текшириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида ҳам муайян тадбирлар амалга оширилди. Улар ҳамда тармоқ бўлимлари раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам муҳокама қилиш йўлга қўйилди. Қонунчилик ҳолати ва жиноятчиликка қарши курашнинг асосий йўналишларини чуқур таҳлил этиш учун, асосан компьютерлардан фойдаланилмоқда.

Қўшни давлатлар билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатмоқчимиз. Ўтган йилнинг 28-29 сентябрь кунлари бизнинг ташаббусимиз билан Марказий Осиёдаги барча темирйўл раҳбарлари ҳамда темирйўл қошидаги прокуратура, ички ишлар органлари вакиллари иштирокида йиғилиш бўлган эди. Барча масалаларда ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришга келишиб олдик. Прокуратура ходимлари айни пайтда қонунда кўрсатилган ваколатлари доирасида жойларда қонунчиликка риоя қилиш устидан назорат ўрнатиб, меҳнат, технологик ва молиявий интизомининг мустаҳкамланишини таъминлашда ўз улушларини қўшишмоқда.

**— Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратурасининг ўтган йилдаги фаолияти хусусида тўхталсангиз?**

— Ўтган йил Прокуратурамиз ходимлари учун омадли йил бўлди, десам муболаға қилмаган бўламан. Маълумки, кейинги йилларда уюшган жиноятчиликка, гиёҳвандликка қарши кураш бўйича республикамизда кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Бу борадаги қарорларни бажариш учун транспорт ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб бордик. Амалга оширилган тадбирлар натижасида 100 дан ошиқ уюшган гуруҳлар, 200 дан зиёд жиноий ишлар фош этилди. Жиноятчилар асосан юк поездидаги мол-мулкларни талон-торож қилиш, ўғриланган молларни пуллаш билан шуғулланганлар.

Афсусланарли томони шундаки, жиноятчиларнинг аксарияти вояга етмаган ёшлардан иборат. Улар турли хил жиноий ишларга қўл урмоқдалар. Болаларни катта ёшли кишилар томонидан жиноятга тортиш ҳоллари ҳам кўплаб содир бўлаяпти. Шу боис Ўзбекистон транспорт прокуратураси вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш борасида талай ишларни амалга оширди.

Маълумки, Ўзбекистон ёнилғи маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлаш масаласида дадил одимлар ташламоқда. Лекин бир талай ноинсоф кимсалар ҳар хил йўллар билан ёнилғи маҳсулотларини талон-торож қилишга уринаяптилар. Жойларда ўтказилган тезкор-қидирув ва профилактик тадбирлар натижасида ёнилғи маҳсулотлари бир жойдан иккинчи жойга жўнатилгани аслидагидан кам чиқиш ҳоллари 1993 йилда 175 марта содир этилган бўлса, бу кўрсатгич ўтган йилда 151 тага камайди. Ёки 1993 йилда ёнилғи жўнатилган пайтда маҳсулот белгиланганига нисбатан 531,4 тоннадан кам чиққан бўлса, ўтган йил эса у 361,2 тоннани ташкил этади. Ёнилғи маҳсулотларини ўғирлаш ва талон-торож қилиш ҳоллари 79 тадан, 66 тага қисқарди. Мазкур далиллар бўйича 61 та жиноий иш қўзғатилди. Ёнилғи маҳсулотларини талон-торож қилиш айби бўйича 49 киши қўлга олинди. Уларнинг 21 таси темир йўл транспорти хизматчиларидан иборат экан. Жиноятчиларнинг ҳаммаси тегишли жавобгарликларини олишди. Натижада ўғирланган ҳолда 43,5 тонна ёнилғи маҳсулот давлатга қайтарилди.

Жиноятчиликни камайтириш учун, энг аввало, унинг олдини олиш зарур. Биз бу борада ҳам бир қатор тадбирларни амалга ошираяпмиз. Шу боис транспортдаги ғайриқонуний ҳодисалар, уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитлар муайян даражада камайди.

Лекин камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Токи жиноят содир бўлаётган экан, биз ўз ўрнимизда янада сергакроқ, янада ҳушёрроқ туришимиз даркор.

**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири**
**Отабек ФАЙЗИЕВ**
**суҳбатлашди.**

50

МУҚАДДИМА

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан Ўзбекистон ҳам ҳарбий либос кийди. Ўзбек халқи навқирон фарзандларини уруш майдонларига тинмай йўллаб турди. Саноат корхоналари қурол-яроғлар ва ҳарбий либосларни ишлаб чиқара бошлади. Стадионлар ва истироҳат боғларида оммавий ҳарбий машқлар авж олди. Барча ташкилотлар, корхоналар ва ўқув юртларида тунги навбатчилик жорий этилди.

1941 йил июнининг сўнгги кунлари. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 1 Май (ҳозир Абдулла Тўқай) кўчасида жойлашган биноси. Шу кеча уюшмада Ойбек ёш рус ёзувчиси Александр Удалов билан бирга навбатчилик қилишмоқда эди. Улар 20-уй пиллапоясида ўтириб, суҳбатлашар эканлар, Ойбек дафъатан сукутга чўмди.

«Ойбек менга тикилди, — деб эслайди ўша тунни А. Удалов. — Унинг катта-катта, қоп-қора ва маъно ёғилиб турган кўзларидан дардни, Ватан тақдири учун бўлган дардни, шунингдек, қандайдир жиловлаб бўлмайдиган қатъийликни ҳам, душманга нисбатан нафратни ҳам, ғалабага бўлган букилмас ишончни ҳам уқиш мумкин эди.

Узоқ жимликдан кейин у:

— Кеча ҳарбий комиссариатга борган эдим, — деди ва бир оздан сўнг қўшиб қўйди: — Олишмади. «Ўз вазифангиз билан шуғулланинг! Зарур бўлиб қолсангиз, чақирамиз», — дейишди. Зарифа билмайди. Унга ҳеч нима деганим йўқ. Ҳеч ким билмайди ҳам...»

Шу воқеадан кейин Ойбек уруш ҳақида асар ёзиш ниятида эканлигини айтиб, Марказқўмга ҳам мурожаат этди — уни фронтга, маълум муддатга, юборишларини сўради; Москва остоналарида қаҳрамонона жанг қилаётган ўзбек жангчилари ҳузурида бўлиши, қонли жангоҳни ўз кўзи билан кўриши лозимлигини уқтирди. Аммо Усмон Юсупов адибнинг шаҳдини қайтарди; «Сизнинг ўрнингиз фронт орқасида!», — деди у қатъий.

1942 йилнинг 31 декабрида марказий ва республика газеталарида ўзбек халқининг жабҳадаги юртдошларига ёзган машҳур мактуби эълон қилинди. Ноябрь ойининг бошларида эса жабҳанинг олдинги сарҳадларидаги ўзбек жангчиларини мазкур хат билан яқиндан таништириш ва уларга маданий хизмат кўрсатиш учун Эсон Раҳимов бошчилигида 15 кишидан иборат бадиий бригада тузилди. Бу воқеадан хабар топган Ойбек Москва бўсағаларида жон олиб, жон бераётган ўзбек жангчилари ҳақида роман ёзаман, деб бригадага ўн олтинчи аъзо бўлиб қўшилди.

### ЖАБҲА БИЛАН ТАНИШУВ

1942 йилнинг кеч кузи. Дарахтларнинг барглари аллақачон сарғайиб, ўқ теккан қушлардек, кўча-кўйларни тўлдириб ётибди. Кетма-кет савалаб ўтган ёмғир тош ётқизилган кўчаларга уларни обдон шиббалаган. Яқинлашиб келаётган қора қишнинг нафаси теварак-атрофда кезиб юрибди.

Поезд юриб кетди. Кузатувчиларнинг оқ йўл тилаб силкинган қўллари ҳам кўринмай қолди. Ҳамроҳларнинг чуввос овозлари аллamaҳалгача тинмади. Ниҳоят, улар ҳам чарчади шекилли, вагонда сукунат байроғи кўтарилди. Энди поезднинг бир маромда, темир излар оша, тарақа-туруқ қилиб бораётган овози янграй бошлади. Қудратли ғилдиракларнинг ҳаракатидан эсаётган бу овоз Ойбекни хаёлга чорлади.

Адиб назарида, ўқ сингари учаётган поезд жабҳа чизиғига яшин тезлигида етиб оладигандек шиддат билан борарди. Аммо кўп ўтмай, у ўз йўлини муҳимроқ ҳарбий юклар ортган эшелонларга бўшатиб, катта ва кичик бекатларда узоқ турадиган бўлди. Ниҳоят, ўн беш-ўн олти кун деганда, собиқ советлар мамлакатининг пойтахтига кириб борди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби Эсон Раҳимов раҳбарлигидаги тарғибий-бадиий бригадада Турғун Каримов, Муҳаммаджон Мирзаев, Дадаали Соатқулов, Сора Самандарова, Тамара Назарова, Зайнаб Полтошева, Турсуной Маҳмудова, Назрулла Ёқубов сингари ўн тўрт нафар санъат аҳли бор эди. Улар бир неча ой мобайнида Москва остоналарида жанг қилаётган ўзбек жангчилари ҳузурига бориб, уларга ўзбек халқининг совға-саломини топширишлари ва маданий хизмат кўрсатишлари лозим эди.

Етти вагондан иборат эшелоннинг бир вагонида бригада аъзолари, қолган вагонлар эса совға-саломлар: Ўзбекистон боғларида етишган янги ва қуритилган мевалар, кийим-бошлар, китоблар, ўқувчи қизларнинг ўзбек жангчилари номига ёзган мактублари билан тўла эди.

Ойбек ҳали Тошкентда экан, душман самолётларининг Москвани бомбардимон қилгани тўғрисида кўп эшитган эди. Чиндан ҳам, поезд Москвага яқинлашар экан, урушнинг қонли излари аён кўзга ташланди. Ҳар жой-ҳар жойда бомбалар зарбидан қулаган вайрона уйлар, бурқсаб тутаётган ўрмону култепалар, мажақланган тўплар ва машиналар уюм-уюм бўлиб ётарди.

— Дадаали, — деди ҳаяжондан титраган овоз билан Ойбек, — бу урушнинг арвоҳи! Инсон зоти кўрмаган даҳшатлар ҳали олдинда!

Адиб турли-туман миш-мишларни эшитавериб, Москва аллақачон харобага айланган, деб ўйлаган эди. Лекин одамлар Москвадаги харобалар тўғрисида кўп муболаға қилган эканлар. Бадиий бригада 6 декабрда Москвага етиб келганда, шу нарса маълум бўлдики, немис бомбардимончилари шаҳарнинг муаззам гавдасини ундамунда чўқиб ўтган экан, холос. Шунга қарамай, Москва кечаги осуда ҳаёт қучоғида яшаган шаҳар эмас эди. Илгари нур дарёлари билан чайқалган кўча ва майдонларда бугун зулмат ҳукмрон, аксар иморатлар душман танимасин учун ҳар хил бўёқлар билан бўялган, танкка қарши ғовлар ўрнатилган, кўкка эса қора қузғунлар ўтмасин учун ҳаво шарлари кўтарилган эди.

Орадан бир неча кун ўтгач, бадиий бригада Москва атрофида жойлашган ҳарбий қисмлар билан учраша бошлади. Бундай учрашувларга келган ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман жангчилари бригада аъзолари билан худди ака-укалардек қуюқ кўришар эканлар, «Биродарлар, бормисизлар? Бизни ҳам йўқлайдиган кун бор экан!» деб уларга миннатдор қалб туйғуларини изҳор қилдилар. Ойбек уларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб, жабҳа орқасида қолган ёшлар, аёллар ва кексаларнинг мардона меҳнат қилаётганлари, Шимолий Тошкент каналининг қурилиши, пахта ва ғалладан юқори ҳосил учун олиб борилган кураш, Ғафур Ғулом ва Ҳамид Олимжоннинг янги шеърлари ва ҳоказолар ҳақида тошиб сўзлаб берди.

# ЖАБҲА БЎЙЛАБ

## Ойбекнинг уруш майдонларига сафари



Бригада аъзолари жабҳа яқинида жойлашган ҳарбий қисмлар билан бирга ертўлаларда — блиндажларда яшадилар. Бомба ва снарядлар тушмасин учун ертўлалар ўн-ўн икки қават ёғоч билан шиббаланган эди. Шунга қарамай, ёмғир ва қор суви ертўлалар ичига силқиб, катта-кичик кўлмаклар ҳосил қилган экан. Ойбек узун, уйқусиз кечаларда темир бочкалардан ясалган печь ёнида ўтириб, снаряд гильзасидан ишланган кўлбола жинчироқ шуъласида шеърлар ёзди, жангчилар ва командирлардан эшитган жанговар ҳаёт лавҳаларини ён дафтарига муҳрлади. Ана шундай дақиқаларда туғилган шеърларга Муҳаммаджон Мирзаев ва Дадаали Соатқулов бир зумда куй басталашди ва бу янги «тандирдан узилган» қўшиқлар эрта биланоқ жангчилар ҳузурида ижро этилди.

Баъзан кун оғиб, олдинги сарҳадларга йўл олиш олдида, қандайдир ички ғашликни ёзиш, қувноқ ва некбин руҳ касб этиш ниятида Ойбек чолғучилардан гоҳ «Чўли Ироқ»ни, гоҳ «Ушшоқ»ни ижро этишни сўраб, жангчилар билан мириқиб тинглади ва роҳатланди. Бундай ички нурланишлардан сўнг шеър қуюлиб келарди. У қайси қисмга бормасин, қаҳрамон жангчилар билан учрашиб, уч-тўрт дақиқа ичида уларга бағишлаб шеър ёзар ва уларни завқ билан ўқиб берар эди. У ана шу тарзда хавф-хатар ичида кечган икки ой давомида 50 дан ортиқ шеър ёзди, ўнлаб концерт ва митингларда иштирок этди, юзлаб жангчилар билан учрашиб, жабҳа ҳаётини ўрганди.

### ЗЕБО ҒАНИЕВА БИЛАН УЧРАШУВ

Бригада Москвага етиб келганидан кейин офтобнинг ғира-шира шуълалари кўриниб, қор эриган, пойтахт кўчалари тўпиқ бўйи сув билан қопланган эди. 16 декабрь куни қалин қор тушиб, изғирин кучайди. Ер музлади. Ойбек жиқ-жиқ сувга тўлган пимасини аранг қуритиб, бир гуруҳ созанда ва хонандалар билан Москвадаги ҳарбий шифохоналарнинг бирига йўл олди. У ерда машҳур ўзбек қизи Зебо Ғаниева даволанаётган эди.

Зебо — ажойиб ўзбек аёли Маҳбуба Раҳим қизининг ўгай фарзанди. Агар Маҳбуба опа акаси Фитрат туфайли озор чекмагани ва адабиёт оламидан қувилмаганида, у, албатта, забардаст шоира бўлиб етишган бўларди. Ойбек буни яхши билгани учун ҳам Зебони кўришга катта иштиёқ билан борди.

Зебо уруш арафасида Москвадаги А. В. Луначарский номли Театр санъати институтида таҳсил олмоқда эди. Уруш бошланиши билан у Тошкентга — ота-онасининг иссиқ бағрига қайтишдан воз кечиб, курсдошлари билан бирга Москва мудофаачилари сафига қўшилди. Уни дастлаб на қизғин жангга, на разведкага юбордилар. Бундан иззат-нафси ҳақоратланган Зебо тезроқ олдинги сарҳадларга бориб, ўзидаги нафрат ва ғазаб бўронини ёв устига сочиш йўлларини ахтарди. Кўп ўтмай, у разведкага бориб, тўрт фашистни ер тишлатди. Кичик бир гуруҳ билан душман эгаллаб турган қишлоққа ҳужум қилганларида, командир ҳалок бўлди. Зебо масъулиятни ўз зиммасига олиб, жангчиларни олға бошлади ва қишлоқни душмандан тозалади...

Зебо ўзининг кичик жанговар йўлини гоҳ ўзбек, гоҳ рус тилларида ҳикоя қилар экан, Ойбек санъатни севган, ўз ҳаётини санъатга бағишлашни орзу қилган бу қизчадаги жасорат оловини кўриб, беҳад ҳайратланди.

«Солдат онаси» номли машҳур гуржи фильмида бир ғаройиб лавҳа бор. Олдинги сарҳадларда жанг қилаётган жангчилар ҳузурига ярим кечада тўрт-беш кишидан иборат бадиий бригада концерт бергани боради. Аммо шу пайтда, машаққатли жанговар хизматдан кейин, жангчилар ҳориб, ухлаётган бўладилар. Шунга қарамай, созандалар командир буйруғига бўйсуниб, уйқудаги жангчилар учун «Лезгинка»ни ижро этишади.

Ўша куни ҳам шунга ўхшаш ҳодиса рўй берди. Зебо билан бир хонада оғир ярадорлар даволанаётгани учун хонандалар мерган қизнинг илтимосига биноан паст овоз билан ўзбекча ва озарбайжонча қўшиқларни ижро этдилар. Сўнг Ойбек унга бағишлаб ёзган шеърини ўқиди:

**Соғ бўлгил, қаҳрамон, шифо топ, Зебо!**
**Келтирдик биз сенга халқнинг саломин.**
**Сенга севги, ҳурмат ҳар кўнгилда жо,**
**Қабул эт дўстларнинг қизғин каломин...**

Орадан тўрт-беш ой ўтгач, Зебонинг жароҳатлари бир қадар битиб, шифохонадан чиққанида, Ўзбекистон ҳукумати ўзининг қаҳрамон фарзандини она диёрга таклиф этди. Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган самимий учрашувда энг яхши ўзбек шоирлари унга бағишланган шеърларини ўқиб бердилар. Шу куни 1 Май кўчасидаги 20-уйда жаранглаган «зебонома»нинг қалдирғоч асари буюк муҳориба олови авж олган ўчоқда — ҳарбий Москвада Ойбек қалами билан битилган эди.

### ИЗСИЗ ҚИШЛОҚДА

Душман Москвани ўтли искажага олиб, пойтахт бўсағасидаги шаҳар ва қишлоқларда ажал уруғини сочиб юрибди. 25—30 километр наридан ҳайқирган замбаракларнинг бўғиқ овозлари Москвада акс-садо берган, аҳён-аҳёнда осмонга шўнғиб киришга улгурган қузғунлар дастидан шаҳардаги баъзи бир иморатлар чўккалаган кезлар...

Ана шундай даҳшатли шароитга қарамай, кишилар қалбида собиқ советлар мамлакати тақдирига ишонч куртаклари пайдо бўлган.

22 декабрь куни нонуштадан кейин, Ўзбекистондан келган меҳмонлар олдига асир немисни олиб келдилар. Асир таржимон орқали берилган саволларга жавоб қайтарар экан, ҳадеб «Ҳитлет капут» деган сўзларни такрорлар эди. Эндигина йигирма ёшга тўлган бу йигит ҳамма нарсага қўрқиб, шафқат излагандек, олазарак кўзлари билан қарарди. У ўзи хизмат қилган қисмда ёшларнинг кўплигини, уларни ҳужумга дўқ ва пўписа билан олиб чиқишларини айтди. Чиндан ҳам, немислар орасида ҳали суяги қотмаган ёшлар беҳисоб. Асир тушганларида ночор ва беозор кўринган бу ёшлар қуролсиз аҳолини шафқатсиз равишда қийнаб ўлдирмоқда, бутун-бутун қишлоқларни култепаларга айлантирмоқда эдилар.

Она сути ҳали оғзидан кетмаган бу асир билан учрашувдан кейин, одатдагидек, кечаси соат бирларда Ойбек ҳамшаҳарлари билан жабҳа томонга машинада жўнади. Кун бўйи тинмаган, айниқса кечаси авжга минган тўплар ўзининг қора вазифасини адо этган экан. Уйлар, қишлоқлар, кўприклар харобага айланган, 220 уйли қишлоқдан бир ғиштин бинонинг харобасигина қолган, холос. Машина яна бир вайрона ёнидан ўтганида, жангчилар куни кеча бу ерда Юхнов деган шаҳарча бўлганини айтишди. Батамом бузилган бу шаҳарчада бирон киши учрамади. Йўл бўйлаб қор кўрпалари орасида саф тортган дўнг тепачалар шу ерда яшаган кишилар ва аксари ўзбеклардан иборат жангчиларнинг қабрлари эди. Бу ҳазин, бағоят даҳшатли манзарани кўрган Ойбекнинг кўзларидан ёш тирқираб отилди.

Адиб ўша кунлари жабҳа бўйлаб қайси бир дивизияга, қайси бир қисмга бормасин, ёнган, хароб бўлган уйлар ва қишлоқларни кўрди. Бу уйлар, қишлоқлар ва кўприкларни бояги беозор асирнинг тенгдошлари, ака ва оталари ёндирган эдилар. Киши бундай ваҳшийликларни қанчалик кўп кўрмасин, уларга кўникиш, уларни изтиробсиз мушоҳада этиш мумкин эмас.

Инсонлик қиёфасини йўқотган душман қилмишларидан ларзага келган ва қалби пора-пора бўлган адиб узоқ вақтгача бу мавзуни қаламга ололмай юрди. Ниҳоят, орадан бир ой ўтгач, «Изсиз қишлоқ» сарлавҳали шеърида ўша даҳшатли манзарани, умуман, жабҳа сафарида кўрган аянчли манзараларни бундай тасвирлади:

**Бу ерда яшарди бутун бир қишлоқ...**
**Болалар шовқини, гармонь овози.**
**Сигирлар маъраши, тўй, меҳнат... — иноқ,**
**Кичик деразада гулларнинг нози.**
**Эртакка борарди бу ерда аср:**
**Туғилар, бўй етар... сўнг бўлиб кекса,**
**Кут ёзиб, дер эди оламга: «хайр!»**
**Ўрмон каби ўсган қанча жамоа...**
**Қани, ҳаёт? Қани куйи, сурури?**
**Қани зўр қишлоқдан синиқ бир парча?..**
**Кўксимни торткилар дарднинг омбири,**
**Ўйларкан, пешонам темир чамбарда.**
**Тиккайган нарса йўқ, қор чўкиб ётар,**
**Хандон кунин қўмсаб, йиғлайди шамол.**
**Бу ерлардан ўтмиш фашист-балогар,**
**Шум оёғин мангу қилажакмиз шол!**

Душман култепага айлантирган 70 мингдан зиёд қишлоқ ва уванинг аянчли манзарасини ўзида мужассамлантирган бу шеърнинг ҳар бир мисрасидан урушга, фашизмга, бугун ҳам давом этаётган ваҳшийликка лаънат тошлари ёғилиб туради.

### ЕРТЎЛАДАГИ КОНЦЕРТ

Йўл... Ўрмон орқали ўтувчи йўллар... Душман гоҳ-гоҳ бу йўлларни ўққа тутиб туради. Кундузлари бу йўллардан ўтиш хавфли. Шунинг учун қисмлар ўртасидаги алоқа асосан тунда, душман мудраган соатларда кечади.

**Тун... Ҳорғин йўл кетган уйқуга,**
**Унинг тош кўксини хўп эзган кундуз.**
**Қанча ғазаб, хаёл, умид, йиғи, мунг,**
**Қанча ажиб ҳирслар унда берган юз...**
**Йўл тош қотиб ухлар... Қари гавдаси**
**Метин қадаҳлар-да қопланган туташ.**
**Тезда эшик ғарчлар, кўприк гумбурлар,**
**Йўлга ағдарилар тўлқин ва куёш...**

Ойбек бу йўллардан ўтар экан, уни ҳар сафар чўнг хаёллар қуюни ўз бағрига олди. Неча-неча асрлар ва наслларни кўрган бу йўллар бугун снарядлардан пайдо бўлган «метин қадаҳлар» — ўлим ўнгирлари билан қопланган. Мана, яна бир снаряд кўприк устида портлаб, зилол сувда акс этган қуёшни йўл устига ағдариб юборди...

Серқуёш диёр вакиллари 23 декабрда, нонуштадан кейин, чаналарга ўтириб, полк штаби сари йўл олдилар. Бу, олдинги сарҳаддан анчагина берида. Шунинг учун ҳам жангчилар уларни «ура!» садолари билан қарши олдилар. Олдинги сарҳадлардан келган жангчиларнинг жанг ва изғиринлардан чиниққан юзларида нурли табассумлар пайдо бўлди. Улар қайта-қайта кўришиб, таниш-билишларини йўқлар эканлар, уларнинг кўзларида киндик қони тўкилган тупроққа меҳр учқунлари балқиб турарди. Жангчиларга совға-саломлар топширилди. Ўзбеклар майиз, туршак, баргак, олма қоқи каби қуритилган меваларни талашиб-тортишиб ея бошладилар. Совғалар орасидан гоҳо қаламқош ўзбек қизларининг суратлари, жасур жангчиларга атаб тиккан даструмоллари ва ғалабага ундовчи хатлари чиқиб қолардики, бундан улар беҳад қувониб кетардилар.

Клуб деб аталган каттагина ертўлада митинг бўлди. Делегация раҳбари Эсон Раҳимов жангчиларга ўзбек халқининг қизғин саломини топшириб, ўлкада олиб борилаётган мардона ишлар тўғрисида сўзлаб берди. Жангчиларнинг бутун вужудлари қулоққа айланди. Улар ҳар бир ютуқдан ғоят шодландилар.

Ойбек шу ернинг ўзида, қоронғи ертўлада ўтириб, жангчилар номидан Ўзбекистонда яшовчи ота-оналари номига мактуб ёзди. У мактубни ўқиб бўлгач, жангчилар унда ўзларининг юрак сўзлари ифодаланганини изҳор этиб, «овоз» бердилар. Сўнг жанговар байроқ олдига келиб, онт ичгандек, тантанали шароитда имзо чекдилар.

Бир неча жангчининг нутқидан кейин кичкина лампа билан ёритилган ердан бир қарич баланд, ним қоронғи саҳнада ўзбекнинг базмнавоз чирмандаси гумбурлаб кетди, най, рубоб ва ғижжак садолари мавжланди. Гулдор ипак куйлакларини пирпиратиб, рақкосалар ноз-ишва билан учдилар. Зайнаб Полтошева ва Турсуной Маҳмудованинг рақслари кучли қарсак бўронини қўзғади. Турғун Каримовнинг мумтоз куйлари, Назрулла Ёқубовнинг қозоқча ўланлари, Соня Ягудаеванинг ўзбекча шўх лапарлари катта мақтовга сазовар бўлди. Сора Самандарованинг овози « Ушшоқ» ва «Гул юз узра»да, русча ва украинча қўшиқларда ўз нафосатини барқ урдирди. Анжелика Малхасян турли тиллардаги лапарлари ва шўх ўйинлари билан жангчилар диққатини жалб этди. Ёш Тамара Назарованинг «Қизил аскар» қўшиғи эса тўппа-тўғри жангчилар юрагига бориб тегди. Сурон ва қарсакка бақувват этикларнинг аҳил дукури қўшилиб кетди. Концертда Ойбек сўзларига басталанган қўшиқлар ҳам янграб, тингловчиларга завқ-шавқ бағишлади.

### «КУНДАЛИК»ДАН БИР САҲИФА

**«23 декабрь.** ...Кечқурун полковник ва майор билан ченага тушиб, олдинги позицияга бордим. Устимда оқ сурп кийим. Снаряд ва миналар тушиб турадиган йўллардан юриб, батальон команда пунктига бордик. Комбат ва бир неча автоматчилар билан олдинги чизиққа пиёда йўл солдик. Ўрмонда ҳар ўн-йигирма қадамда қоровуллар туради. Ҳаммаси ўзбек эди. Ҳар бири билан кўришаман. Қисқача суҳбат қиламан. Ҳаммаси жангга тайёрлигини билдиради, «Ҳужумга кирганда ўзимизни кўрсатамиз», дейишади. Йўл-йўлакай бир неча дзотларга кирдим.

Андижонлик Тўқсонбоев пулемёт нуқтасида туради. Командирнинг рухсати билан ўз жойидан чиқиб, мен билан гаплашди. Ўзбеклардан пулемётчи, автоматчи, миномётчилар кўп.

Айрим хавфли жойлардан якка-якка бўлиб ўтдик ва траншеяга тушдик. Траншея чуқур — одам бўйидан баланд. Тор. Ҳар қадамда пулемёт нуқталари, постлар, мушоҳада пунктлари бор. Жангчилар тунда ухламас эканлар. Навбат билан постда туришар, бўшагач, блиндажда дам олишар экан. Жуда кўп блиндажларга кирдик. Ўзбеклар билан бемалол ўтириб суҳбатлашдик. Тартиб-қоидаларни, ҳарбий билимни яхши эгаллаган йигитларимиз жуда сезгир. Полковник жуда камтар, ҳар саволимга батафсил жавоб беради, олдинги чизиқ хусусиятларини эринмай тушунтиради.

Немис траншеялари 70—10 метр нарида. Айтишларига қараганда, баъзи жойларда немис траншеялари жуда яқин — 20—30 метр экан. Уларнинг овозлари, бақириқ ва чақириқлари эшитилиб турар экан. Баъзан ўзаро сўкинишиб, даҳанаки жанг ҳам қилар эканлар. Гоҳ-гоҳ немислар ўзбек тилида ташвиқот юргизар эмишлар.

Кечаси соат 5 гача траншеяда юрдик. Роса чарчадик. Узоқдан отишма садолари келиб турди. Лекин биз юрган жойларда ҳеч қандай отишув бўлмади — «Шуниси чакки бўлди, холос», деб кулишдик. Полковник бошқа бир кун «шум» ясашга ваъда берди.

Батальон команда пунктига келиб, ченага ўтирганда, тинкам қуриб, сўзлашга ҳам мадорим қолмади. Тонг оппоқ оқарган эди».

### УРУШНИНГ ОДДИЙ КУНЛАРИ

27 декабрда, қоронғи тушгач, Ойбек бир-икки ҳамроҳи билан олдинги сарҳаддаги тўпчилар ҳузурига бориб, тунги «шамалоқ»ни кузатди. Эртаси эрта билан қайтиб келди. Навбатдаги концертдан кейин бригада аъзолари ошхонага келдилар. Шу пайт душман миномётлардан ота бошлади. Миналар Ойбек турган жой яқинида портлади. Ошхона атрофига ҳаммаси бўлиб ўнта мина тушди. Гумбурлашлар ваҳимали бўлди. Кўп ертўлаларнинг деразачаларидаги ойналар чил-чил синди. Қисм командири жабҳа газетасига шеър ёзиб беришни сўраб, Ойбекка бир ертўлани кўрсатди. Бу ертўлага ҳам ҳалиги миналардан бири тушган экан. Адиб бир чеккаси ўпирилган ертўлада ўтириб, ўзи айтмоқчи, «сал чўчиброқ» ишлади...

Дивизия штаби ўрмон ичида эди. 29 декабрда душман бу ерни обдон ўққа тутди. Дарахтларнинг синган шох-шаббалари ерда, ҳалок бўлган жангчиларнинг қўл-оёқларидек, сочилиб кетди. Олдинги сарҳаддан келтирилган жасадлар тўзиди...

Душманнинг бир батальони ҳужумга ўтиб, бизнинг олдинги траншеямизни эгаллаб олди. Икки ўртада найзавозлик бўлиб, ҳар икки томон кўп талофат кўрди. Аммо душман жангчиларимизнинг қаттиқ қаршилигига учраб, чекинишга мажбур бўлди.

Дивизия штаби 30 декабрда бадиий бригадани бошқа бир полк клубига юборди. Кечаги артиллерия тайёргарлигидан кейин йўлда кўпгина ўнгирлар учради. Душман траншеялари ниҳоятда яқин бўлгани сабабли айрим жойларда ченадан тушиб, якка-якка чопиб ўтишга тўғри келди. Ҳамма ёқ дўмбоқ тепаликлар — қабрлар билан тўла эди.

Бу даҳшатли манзарадан мутаассир бўлган адиб жангчилар олдига чиқиб, шеър ўқиш учун ўзида мадор тополмади. Унинг томоғига аламнинг оғир бир тоши келиб қадалган эди. У ертўлада қолиб, бутун ғазабини темир печкага сочди.

Шу пайт отишма бошланди. Тўплар даҳшатли бир тарзда ҳайқириб, еру кўкни ағдариб ташлагудек бўлди. Снарядлар гўё Ойбек ўтирган ертўла устида портлаётгандек ваҳимали равишда чинқириб, олов тиллари билан қору тупроқни ямлаб ташлади...

**«Кундалик»дан сатрлар**

**«27 декабрь.** ...Артполкнинг клубида концерт берилди. Бу ҳам ер остида... Анчагина ўзбеклар йиғилди... Тасодифан ота маҳалламда, ёшликда мен билан бирга ўсган Кўчқор (Дадахоннинг ўғли) йўлиқди. Аксар жангчилар оилаларидан хат ололмаганликларидан шикоят қиладилар. Ўн ойлаб хат олмаганлар бор...»

**«3 январь.** ...Асакалик Тўхтасин Оқмирзаев фронтга кечқурун келган-у эртасигаёқ қизғин жангда иштирок этган. У дейди: «Эрта билан нонуштадан кейин, немислар бирдан ҳужумга ўтди. Артиллерия кучли тайёргарлик қилди. Ҳамма ёқни бузиб ташлади. Бирдан қарасам, немислар автомат билан инларидан чиқиб келаётир. Мен чўчимадим. Траншеямизда одам кам жойга бориб, пулемётдан ота кетдим. Милтиқ, пулемёт, автомат — ҳаммасидан отаман. Тўғри келиб қолса, тўпдан ҳам отавераман...»

**«5 январь.** 10—15 ўзбек снайперларини тўплаб, суҳбат қурдик... Тошкентлик, сархумдонлик — Кўкча даҳадан — Фахриддин Нурмуҳамедов билан гаплашдим. Ҳунари нонвой. Снайпер. 17 немисни ўлдирган. Дарахт тепасида туриб, бир немис офицерини урган. Нурмуҳамедовнинг икки акаси, икки укаси ҳам урушда...

Катта сержант Зуфаров билан сўзлашдик. У айтди: «1922 йилда туғилганман. Ота-онам йўқ. Болалар уйида тарбияланганман. Аввал ўзбек дивизиясида эдим, 1942 йилнинг 28 апрелида бу ерга келдим... Менинг бўлимим илғорлардан ҳисобланади. Миномётчиман. Бу кунга қадар 21 фрицни ўлдирдим. Милтиқ билан 3 тасини отганман. Бир кун душман ошхонасини йўқ қилиб ташладим...»

Очилов айтади: «...Бир марта политрукимиз мени ўзи билан олдинги жабҳага олиб борди, шунда у тўсатдан узоқда бир немисни кўриб қолди-да, «Снайперни чақир», деди менга. Мен: «Ўзим отаман», дедим. Отдим, ўқ аблаҳнинг нақ қорнига тегди. Политрук ҳисоб очишимни маслаҳат қилди, шундан сўнг снайпер бўлишга қарор қилдим... 5 ойда 45 немисни ўлдирдим. Бир кун бизнинг томонда гармонь чалдилар, шунда бир немис бошини бемалол кўтариб, қулоқ солди — мен урдим...»

Турдиев Абдуллажон Наманган область Тўрақўрғон район «Намуна» колхозидан. У деди: «...Кўп урушларда бўлдим. Житомир шаҳрида жангда қатнашдим. Немис танклари, мотоциклчилари, пиёдалари билан урушдик. Мен станковой пулемётида эдим. Қанча немисни ўлдирганимни ҳисобини билмайман. Бронли поездда нишонга олувчи бўлиб ишладим. Киев остида яраландим. Олма-отага бориб ётдим, 3 ой даволандим... Августдан бошлаб шу полкдаман, 4 та немисни ўлдирдим».

Омон Аноров Наманганнинг Учқўрғон райони «Маданият» колхозидан. 1918 йилда туғилган. 1940 йилдан армияда. Бессарабияда, Одессада жангларда бўлган. «41-йил 35 немисни ўлдирдим ва шу йил сентябрда ярадор бўлдим. Отпускани рад этиб, яна урушга қайтиб келдим. Якка ўзим 8 немисни ушладим. Бу йил 3 та немисни ўлдирдим. Взвод командири ёрдамчисиман...»

* * *

Ойбек шу тарзда «Қуёш қораймас» романининг бўлажак қаҳрамонлари билан жанг майдонида учрашиб, уларнинг машаққатли қисматларига ошно бўлиб борди.

**Наим КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори.**

**СУРАТДА: Ойбек (сўл тарафдан биринчи) Ғарбий жабҳа қўмондонлари ва бадиий бригада аъзолари орасида.**

**Москва бўсағаси, 1943 йил 11 январь.**



# ҚИБРАЙДА ШУНДАЙ КОРХОНА БОР

(Репортаж)

• *Яна нон ҳақида*



***Республикамизда ички бозорни озиқ-овқат, саноат моллари билан тўлдириш, бозор муносабатларини барқарорлаштириш, юртимизни обод ва халқимиз ризқини тугал қилиш каби эзгу мақсадлар йўлида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.***

Буни 105 минг кишилик қибрайликларга хизмат кўрсатаётган «Қибрай-нон» ҳиссадорлик жамияти фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Нон комбинати директори Рухсора Абдураҳманова шундай дейди: «Нон — бободеҳқон ерга умидла қадаган, табиат карами-ла унган, уфққа туташ бепоён далаларни ёқимли қўшиқ мисол тўлдириб тебратган саноқсиз бошоқлар ҳадяси, қўйинг-чи, олов уфурувчи печлар олдидаги нонвойнинг тун-у кун чекадиган машаққатли меҳнати самараси».

Ҳисоб илмининг уқувини олган оғир, вазмин Рухсора опа комбинатда ишлаб юрган пайтларда нон ва нон маҳсулотларининг сифатсизлигини ва бунинг сабабларини англаган эди. 1981 йилда ишга тушган комбинатда 10 дан ортиқ раҳбар келиб кетган бўлса-да, бирор натижага эриша олмади, аҳоли талаб ва эҳтиёжлари қондирилмай қолаверади.

Янги директор ишни корхонани иссиқлик энергияси билан иситишни йўлга қўйишдан бошлади. Янги печлар қурилиб, мавжудлари таъмирланди. Ун қопсиз ташиб келтирила бошланди. Ишчилар меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга эътибор қаратилди. Мавжуд цехларни кенгайтириб, аҳоли гавжум ерларга оби нон ёпадиган тандирлар йўлга қўйилди. Ҳозирда Қибрай шаҳарчасида 2 та, шунингдек, Дўрмон, Хўжақўрғон, Қизил шалола, Саниiф, Қизил кўприк қишлоқларидаги тандир цехлари ҳам эл дастурхонига хуштаъм бўрсилдоқ нонлар етказиб бериб турибди. Корхонада қўл меҳнати деярли кам. Барча ишлар ақлли техниканинг пешма-пеш бажарадиган ҳаракатларига асосланган. Бунинг шарофати ўлароқ, маҳсулот сифатининг яхшиланаётганлиги, вақтдан тежалиб, маҳсулот таннархининг арзонлашувига эришилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Корхонада патир, гижда, оби нонлар, ширин қаламча ва булочкалар, макарон маҳсулотлари, вермишель, рожки каби ўнлаб маҳсулот тайёрланмоқда. Савдо нуқталарига кунига 25 тоннагача нон ва нон маҳсулотлари жўнатилмоқда.

— Ўқув матлубот жамияти билан тажриба алмашиб, ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Бугун-эрта янги замонавий ускунани тўла ишга туширишга эришамиз, шунда бир йўла 5 турдан ортиқ макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Яқинда «Жанубий» номи билан аталадиган 400 гр.лик ҳажмдаги булочкалар ва француз ботонларини ҳам эл дастурхонига тақдим этамиз, — дейди биз билан суҳбатда Р. Абдураҳманова.

Халқ фаровонлиги учун тинимсиз жонбозлик кўрсатаётган, излай-излай имкон топаётган «Қибрай-нон» корхонаси маҳсулотларидан харидорлар мамнун.

**Дилфуза АМИНОВА,**
**ТошДД талабаси.**


**Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси**

**Доимий ишловчи курсларга қабулни давом эттиради:**
***Лицезияли аудиторлар***
***-вилоят гуруҳи /ўқиш муддати - ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 1 ой/***
***-шаҳар гуруҳи /ўқиш муддати - ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 3 ой/***

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1993 йил 10 июндаги 42-хатига мувофиқ шу вазирлик тасдиқлаган дастур бўйича лицензияли аудиторларни тайёрлаш ҳуқуқи фақат бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциациясига берилган.

**Доимий ишловчи курсларга қабул давом этмоқда,**
***- бошловчи бухгалтерлар***
***- қўшма, чет эл, кичик корхоналарда ишлаш учун бош бухгалтерлар, молия директорлари***

**Бизнинг манзил:**
**Тошкент, Ниёзбек йўли, 6.**
**Тел.: 34-01-87, 35-72-51.**

**Ташкилот пул ўтказиш йўли билан сотади:**

*-"ГАЗ", "ВАЗ", "Москвич" автомашиналарининг эҳтиёт қисмлари.*
*-Металлпрокатлар олишда ёрдамлашади.*

**Тел.: 62-14-73**
**соат 9.00 дан 17.00 гача.**


**(Газетанинг навбатдаги сони 20 апрель пайшанба куни чиқади).**

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви, Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ва «Халқ сўзи» рўзномаси таҳририяти журналистика фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият арбоби

**Хайриддин НАЗИРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан қайғуриб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги жамоаси вазирликнинг бош мутахассиси Ғайрат Жалиловга онаси

**Хосият ХОЛИЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзистиқболстат Давлат қўмитасининг иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш илмий тадқиқот институти жамоаси бўлим мудири Мирзоҳид Обидович Қосимовга онаси

**Мартуха ҚОСИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институти ректорати, Касаба уюшмаси ва ёшлар иттифоқи даволаш физкультураси, врач назорати ва физиотерапия кафедраси ўқитувчиси, институт ёшлар иттифоқи уюшмасининг раиси Ш. Қ. Одиловга отаси

**Қаюм ОДИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;*
*Иқтисодиёт 32-36-65;*
*Маънавият 32-35-60;*
*Ахборот 32-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.**
**Навбатчи — Ў. Ҳайдаволов.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 00160 52346 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 20.50.**

1 2 3 4 5 6